

**АЛЬМАНАХ** — (арабча — вақт, таквим, айн. тиззаларни букадиган жой, бекат, чўлнинг ўртасидаги карвон тўхтайдиган жой) турли муаллифларнинг мавзу, жанр ва бошқа белгиларга кўра бирлаштирилган адабий асарлари тўплами. Шарқ адабиётида замондош шоирлар ижодларидан намуналар йигилиб, «баёз»лар тузилганки, уларни альманахнинг мукамал шакллари дейиш мумкин. Ўзбекистонда ҳам альманахлар нашр этилиб турилади. «Армугон» (1944), «Зафар» (1945), «Гулдаста» (1964, 1968), «Ёшлик» (1970-1984) альманахлари фикримизнинг далилидир.